


O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



# O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

---

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

2 / 2020



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солған

Бир йилда олти марта чиқади  

---

2  
2020

Бош муҳаррир:  
Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Абдусалом АБДУКОДИРОВ  
Рахматулла БАРАКАЕВ  
Маматқул ЖЎРАЕВ (бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Наим КАРИМОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдана ЛУТФУЛЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ (бош  
муҳаррир ўринбосари)  
Тўра МИРЗАЕВ  
Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир  
ўрибосари)  
Ёрқинжон ОДИЛОВ  
Эргаш ОЧИЛОВ (масъул котиб)  
Шомирза ТУРДИМОВ  
Бокижон ТЎХЛИЕВ  
Алмаз УЛВИЙ  
Дурдана ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ  
Улуғбек ҲАМДАМОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2020

**Ключевые слова и выражения:** литературный выразительность, лексический уровень, термины, индивидуальность, поэтическая актуализация.

**Key words and word expressions:** literary text, expressiveness, lexical level, terms, individuality, poetic actualization.

## Лутфулла СИНДОРОВ

### “ХИБАТ УЛ-ҲАҶОЙИҚ”ДАГИ ФОРСИЙ ЎЗЛАШМАЛАР

Форсий сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашишида қуйидаги омиллар мухим роль ўйнаган: а) ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир (ёки қўшни) худудда, бир хил ижтимоий тузум, иқтисодий ва маданий-маънавий мухитда яшаб келаётганлиги; б) ўзбек-тожик ва тожик-ўзбек икки тиллилигининг (билингвизмининг) кенг тарқалганлиги; в) тожик ва форс тилларида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги; г) адабиёт, санъат, маданият, урф-одатдаги муштараклик<sup>1</sup>.

“Хибат ул-ҳаҷойик” асарида **āzād** (Тафсир, 13662) ўзлашмаси «эркин, хур» маъносини англатган: *Tözü qul qılurlar azad özlärin*<sup>2</sup>. XIV аср Хоразм ёдномаларида қуйидаги маъноларни билдирган: а) «эркин, хур»: *Xoja zanjir ičindä qul āzād* (Г,148a2); б) «қулликдан озод этилган шахс»: *Taqi Abubakrniy āzādī bir erdi* (НФ,12612).

Достонда «адолат» маъноси **dād** ўзлашмаси орқали ёритиб берилган: *Dad insaf tutar čin Anuširvaniy*. Лексема XIV аср Хоразм манбаларида қуйидаги семаларда келган: 1) «адолат»: *Ol čibčiq haq ta'älā hazratindin dād tilägäy* (НФ,9367); 2) «фифон, нола»: *Falak dādini alğay* (ХШ,11067). Унда сўзнинг арабча **adl** синоними ҳам ишлатилган: *Āgär bolsa adlin qatiğlıq mejä*. **Adl** лексемаси **ъadl (un)** шаклига эга; “тўппа-тўғри шаклга эга бўлди” маъносини англатувчи **ъadala** феълининг I боб масдари бўлиб, шу феълнинг “адолатли бўлди” кўчма маъноси асосида ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,14–15).

Асарда **dost** ўзлашмасининг «дўст, муҳиб» маъносида истифода этилганлигига гувоҳ бўлдик: *Mijer dostiň ersäüküš körmägil*. Шу билан бир қаторда, арабча **habib** синоними ҳам қайд қилинган.: *Eşitemdi qač bayt habib fazlidin*. **Habib** ўзлашмаси “севди, кўнгил берди” маъносини англатувчи **habba** феълидан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ,II,59).

**Rāz** ўзлашмаси ёрдамида очиб берилган «сир» тушунчаси биринчи марта Аҳмад Юғнакийнинг «Хибат ул-ҳаҷойик» достонида кузатилади: *Qatiğ kizlä rāzin kiši bilmäsün*. Лексема XIV асрда Хоразм худудида битилган обидалар луғат таркибида ҳам айни семада кўзга ташланади: *Nišānsızdan xabarsız ne degäy rāz* (Г,5a1). Асарда мазкур истилоҳнинг арабча **sir** маънодоши ҳам учрайди: *Eşim dep iinanip sir ayma*. **Sirr**—сир атамаси **sarra** феълининг “махфий гап, ишдан хабардор қилди” маъноси

<sup>1</sup> Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-кисм. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2004. 55-бет.

<sup>2</sup> Мисоллар Қозоқбой Махмудовнининг “Аҳмад Юғнакийнинг “Хибат ул-ҳаҷойик” асари ҳакида” китобида келтирилган матндан олинди (Тошкент: Фан, 1972).

билингван масдар бўлиб, “махфий гап, иш, нарса” каби маънони ифодалайди. Ўзбек тилида бу сўздан **сирли** сифати, бироз сунъий туйиладиган **сирлаш** феъли ясалган (ЎТЭЛ, II, 386).

Аҳмад Юғнакий **xuš** ўзлашмасини “яхши, дуруст” маъносидаги кўллаган: *Ārif raqs cīqarīb etär xuš sama'*. Ушбу сўз XIV аср Хоразм манбаларида «қувонч»: ...*Xuš ičkil rāhnī rayhān ičindä* (Мн., 29467), “яхши, дуруст”: *Xuš aytī pardadār ewdā kiši yoq* (Г, 156а3) маъноларида учрайди. Текширилаётган ўзлашма янги сўзлар хосил қилишда ҳам иштирок қилган: *Yürügil tilägil özüj xušlugiñ*. Бу сифат ПРСда хоши шаклида, ТжРСда *xuš* шаклида келтирилган; ўзбек тилига тожикча шакли олинган; “яхши”, “ёқимли”, “келишган” каби маъноларни англатади. Бу сифатдан ўзбек тилида *хуила* (ёктирилган) феъли ясалган (ЎТЭЛ, III, 246).

**Baxšiš** сўзи “бағишлов”, **darmān** ўзлашмаси “даво” маъносини англатган: *Aniň baxšišidin bulut uftanur; Em saxasī mukarim yigä darmānī*. Ҳар иккала лексема “Хибат ул-ҳақойиқ” асарида илк бор кўзга ташланади. **Baxšiš** сўзи “совға тарзида бер” маъносини англатган **бахшидан** феълидан хосил қилинган (ЎТЭЛ, III, 24). **Darmān** оти ПРСда *därmän* шаклида келтирилиб, “дори”, “даволаш” маъноларини англатиши, ТжРСда *дармон* шаклида “дори”, “куч”, “мадор” маъноларини англатиши айтилган. Бу отдан ўзбек тилида *дармонсизлик* оти, *дармонсизлан* феъли хосил қилинган, *дармонга кир*, *дармони қуриди* иборалари тузилган (ЎТЭЛ, III, 79).

**Zinhār** атамаси “асло, сира”, **guhar** истилохи “қимматбаҳо тошларнинг умумий номи; жавҳар” семасида ишлатилган: *Heč ulugsiñta zinhār ulug bir bayat; Guhartiñ söz aymış azıñ söz biši*. Кейинги ўринда қайд этилган ўзлашма дастлаб Юсуф Ҳожибининг “Қутадғу билиг” обидасида **gavhar** тарзида ифодаланган: *kutuš gavhar altun baqir* – кумуш, гавҳар, олтин, мис (ДТС, 195). **Zinhār** ўзлашмаси тожик тилида “кечирим”, “химоя”, “албатта”, “ҳеч шубҳасиз”, “ҳеч қачон” маъноларини англатади; ўзбек тилида бир маънони – “асло, мутлақо” маъносини аглатиш учун хизмат қиласи (ЎТЭЛ, III, 106).

Таҳлиллар натижасида асарда **maza** “лаззат, тот”, **pur** “тўла” сўзлари ҳам кўлланишда бўлганилигига гувоҳ бўлдик: *Bu ačin mazasi qatiglīq maza; Yoqataqqa yutšaq içi pur agu*. Достонда **maza** ўзлашмасининг арабча **lazzat** синоними ҳам келтирилган: *Baqāsiz erür bu ačin lazzati*. **Lažżat** → лаззат “хуштаъм бўлди” маъносини англатувчи **lažża** феълидан - **at(un)** қўшимчаси билан ясалган от бўлиб, “хуштаъмлилик”, “роҳат”, “гашт” маъноларини билдиради. Бу сўздан ўзбек тилида **лаззатли**, **лаззатлан** лексемалари ясалган (ЎТЭЛ, II, 206).

Аҳмад Юғнакий туркий **tümän** сўзи билан бир пайтда форс-тожикча **hazār** ўзлашмасига “минг”, бугунги кунда “мустақил бир оила, хўжалик”, “тириклик учун зарур анжом-ашёлар” семаларини билдирган **rozgār** лексемасига “давр, замон” маъносини юклаган: *Valekin ičindä hazār nāxuši; Seniň rozgāriň bu köyülčä qılıñ*. **Rozgār** “кун” маъносини англатган тожикча *rüz* отига -гар қўшимчасини қўшиб хосил қилинган бўлиб, ўзбек тилига *г* товушини *г* ундошига, шундан кейинги *а* товушини *о* товушига алмаштириб олинган (ЎТЭЛ, III, 202).

Аҳмад Юғнакийнинг «Хибат ул-ҳақойиқ» достонидаги форс-тожикча лексик бирликлар билан қораҳонийлар даври ва XIV аср Хоразм манбаларида кўлланилган сўзлар қиёсий таҳлил қилинганда шу нарса

маълум бўлдики, аксарият истилоҳлар ўзининг туб маъносида учрайди, баъзиларида эса маъно кенгайиши ходисаси кузатилади. Форсий ўзлашмаларнинг муайян қисми -līğ/-lig// -līq/-lik// -luğ/-lüg// -luq/-lük, -са сингари қўшимчалар билан бирикиб, янги сўз ҳосил қилган ва улар туркий лексемалар билан баравар қўлланган. Бу эса синонимларни шакллантириш баробарида асар мазмунининг ранг-баранглигини таъминлаган.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада «Хибат ул-хақоик»даги ўзлашма катламга оид лексик бирликлар қадимги туркий тил ва қораҳонийлар даври ҳамда XIV аср манбаларига қўлланилган сўзлар билан киёсий таҳлил қилинган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье приведен сопоставительный анализ лексических единиц заимствованной лексики в произведении «Хибат ул-хақоик» и лексики древнетюркского языка эпохи карабаханидов, а также лексикой источников XIV в.

**RESUME.** In this article lexical items on the derived layer of words in “Hibatul haqoyiq” are comparatively analysed with old Turki language and the words of karakhaniy period as well XIV century sources.

**Таянч сўз ва иборалар:** арабча сўзлар, форсча сўзлар, синонимия, сема, лексема, лексик бирлик, қадимги туркий тил.

**Ключевые слова и выражения:** арабские слова, персидские слова, синонимия, лексема, лексическая единица, древнетюркский язык.

**Key words and word expressions:** synonoimy, sema, lexeme, lexical item, old Turkish language.

Роҳила АБДУЛЛАЕВА

## КЎЧМА МАҲНОДА ҚЎЛЛАНУВЧИ КАСАЛЛИК НОМЛАРИ

Тилда бир ходиса, воеа – жараён, предметни акс эттиришнинг бир неча усуслари мавжуд. Сўзлар ўз маъносида тўғридан-тўғри ифода этилганда фикр ёндош маъноларсиз, ўз холича қабул қилинади. Айни ҳолат кўчма маъноли сўзлар асосида амалга оширилса, фикрнинг образлилиги ошади. Тингловчи учун онгда гавдалантириш мумкин бўлган ходиса юзага келади. Шу жумладан, инсон характер хусусиятларини кўчма маънода ифодалашнинг ҳам бир неча усуслари мавжуд. Аҳамиятли томони шундаки, ўзбек тилида инсон характер хусусиятларини акс эттиришда касаллик номларидан ҳам унумли фойдаланилади. Ушбу усуlda маъно кўчишига асос бўлувчи жиҳат касалликнинг кечиш жараёни, инсон ёки ҳайвон танасида содир қиласидан ўзгаришлар, касаллик хусусиятлари ёки асоратлари бўлиши мумкин. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бир қатор касаллик номлари ва уларнинг инсон характер хусусиятларига ишор қилувчи кўчма маънолари келтириб ўтилган. Ўзбек тилида касаллик номини ифодалаб келувчи сўзлар инсонда кечувчи оний жараёнлар ва қарғиш, сўкиниш маъноларини ҳам ифодалаб келиши мумкин. Қуйида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтириб ўтилган кўчма маънога эга касаллик номлари изоҳларини кўриб ўтамиш:

“ГАРАНГ 1 Қулоғи эшитмайдиган, кар. Гаранг одам. Бу гаранг оловни ҳам ўзи ёқади, ўчиришида ҳам ўзи сув сепади. А.Қодирий, Обид кетмон.

# МУНДАРИЖА

## Тилшунослик

Н.Махмудов. Илмий матнда термин таносиби ва такомили .....	3
Ё Одилов. Ўзбек тили ва унинг этномаданий зангинлиги .....	11

## Адабиётшунослик

Қ.Эргашев. Фурқатнинг насрый мероси .....	20
Д.Юсупова. Темурийлар даври арузшунослиги манбалари .....	24
А.Қурбонов. Навоий тахаллуслари ва таносуб санъати .....	33

## Илмий-адабий мулоқот

У.Ҳамдам, Ш.Дониёрова. Ёзувчи, замон ва қаҳрамон ҳакида .....	40
---	----

## Илмий ахборот

Ш.Имомназарова. Н.П. Остроумов – ўзбек халқ қўшиклари тўпловчиси сифатида .....	47
О.Ҳамроева. XX аср бошларида илми қофияга муносабат .....	51
Й.Раҳматов. Мақол ва эртак муносабатига доир .....	53
Б.Шукурова. Ҳикояда миллий характер ва замонавий муаммолар талқини .....	58
М.Жўраева. Ҳозирги ҳикоячиликда инсон концепцияси .....	61
Г.Жўракулова. Ўзбек халқ достонларида от таърифи .....	63
Б.Жафаров. "Кодекс Куманикус"нинг яна бир нусхаси ҳакида .....	66
Ў.Назаров. "Афлотун" романида бадиий макон тасвири .....	70
А.Эшқобилов. Ўзбек адабиётида балладанинг ўрганилиши .....	74
И.Мадраҳимов. Таҳлил услублари ва сўз моҳияти хусусида .....	78
Н.Улуков, Ш.Низомова. Айрим тахаллусларнинг лексик-семантик таҳлили .....	83
Ҳ.Усмонова. Синтагматик маъно ва унинг ифодаланиш йўллари .....	86
И.Мирзаалиев. Ўзбек тилида миллий-маданий коннотациянинг ифодаланиши .....	89
Ф.Мусаева. Ўзбек шеваларида миллий реалиялар .....	92
Д.Невъматова. Синонимларнинг услубий хусусиятлари .....	97
Г.Қабулжонова. Метафора ва унга ёндош ҳодисалар .....	100
Р.Юсубова. Жим қолиш усули ва прагматик маъно .....	102
Д.Жамолиддинова. Терминлар қаҳрамон нутқини индивидуаллаштирувчи восита сифатида .....	106
Л.Синдоров. "Ҳибат ул-ҳақойик"даги форсий ўзлашмалар .....	109
Р.Абдуллаева. Кўчма маънода қўлланувчи касаллик номлари .....	111
Н.Исматуллаева. Хитой ва ўзбек тилларида соматик лакуналар .....	114
Ш.Алпанова. Инсон руҳиятини ифодалашда олмошларнинг ўрни .....	117

## Фанимиз заҳматкашлари

Н.Махмудов, Д.Лутфуллаева. Дурдана Худойберганова .....	121
Ҳ.Хомидий. Раҳим Воҳидов .....	124

## Танқид. Тақриз. Библиография

А.Абдуқодиров. Навоийшуносликка доир муҳим тадқиқот .....	127
Ш.Аҳмедова. "Ўзбек адабиётшунослигининг икки маликаси" .....	131